





Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with columns for days of the week (Dushanba 11, Seshanba 12, Chorshanba 13, Pajshanba 14, Juma 15, Shanba 16, Yakshanba 17) and rows for TV channels (Ўзбекистон 1tv, Ёшлар, Тошкент, Спорт). Each cell contains a list of programs with their start times.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш ҳақидаги тартиби» Р-2145-сонли Фармойишига асосан куйидаги таълим муассасаларининг вакант (буш) бўлган

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

«Осиё чемпионати — 2007» саралаш учрашувлари
УМИД БОР, ЛЕКИН...

2007 йили бўлиб ўтадиган китъа чемпионатида иштирок этиш учун даввогар миллий терма жамоалар ўз гуруҳларида навбатдаги 4-тур учрашувларини ўтказдилар.

Ўзбекистон терма жамоаси сафарда Гонконг жамоасига қарши баҳс юритди. Тошкентдаги учрашув 2:2 ҳисобда дуранг натижа билан якунланган эди. Гонконгдаги такрорий ўйинда ҳам дуранг (0:0) натижа билан якунланди.

батдаги галабани кўлга киритиб, гуруҳда ягона пешқадам бўлиб олдилар. Чунки, гуруҳ пешқадами «Қатар» кетма-кет тўртинчи галабани кўлга киритиб, 12 очко билан китъа чемпионатида иштирок этиш учун йўлланмани нақд қилиб қўйди.

Гуруҳдаги 2-учрашув Қатар пойтахти Доха шаҳрида бўлиб ўтди. Майдон эгалари меҳмонлар дарвозасига 3 та тўп киритиб, ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолдилар ва нав-

Энди иккинчи йўлланмани кўлга киритиш учун вакилларимиз қолган икки учрашувда фақат галаба қозонишлари лозим бўлади.
Талъат ЮСУПОВ.

Биринчи табақа

ВАКИЛИМИЗ ПЕШҚАДАМ

Футбол бўйича мамлакат 15-миллий чемпионати биринчи табақасида қатнашадиган жамоалар навбатдаги 26-тур учрашувларини ўтказдилар.

Чемпионатда ҳамон пешқадамлик қилаётган вакилимиз — Олмаликнинг «ОТМК» жамоаси Самарқандда «Мионкўл» меҳмони бўлди. Уйини кўтаринки руҳда ўтказган олмаликликлар яратилган кўпгина имкониятларнинг биттасидангина унумли фойдаланишди. Учрашувни галаба билан якунлаган «ОТМК» очколари сонини 55 тага етказиб, ҳамон жадвалини бошқарапти.

«Машъал-2» жамоаси эса, «ЎзДОНГЖУ» меҳмони бўлиб, 1:0 ҳисобда зафар кучди.
Вилоятимизнинг яна бир вакили — Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоаси ҳам «Шахрихон» майдонига қийинчилик билан галабага эришди. Биринчи бўлимини 0:3 ҳисобидagi ийрик натижа билан якунлаган чирчиқликлар, иккинчи бўлимда рақибига эркин ҳаракат қилиш учун шартли яратиб берди ва оқибатда ўйин 3:4 ҳисобидa якунланди. 26-турдан сўнг «Кимёгар» 35 очко жағмабди, турнир жадвалида 12-ўринни банд этган.
Отаёр ТОҒАЕВ.

Шанба фельетони

— Гуручининг ичидаги куймак бўлиб, бетайинлару тақасалтанлар кўпайиб қолгани чатоқ. Кўлларида магнитфони, кулоқларида жимит тугмача. Ва ёки, кўлларида соткаю, хаёлларида тунги базму жамшиду...

Ундан бир ўғил, бундан икки қиз... Болаларининг ҳам бири Бешкекда, қизларини Саудияда дейди-ми-ей. Қодир устасини қамоқда ўтказяпти. Чикади, эски одатини қўймайди. Ҳали кулф бузган, хали қиз-жувонлар йўлини тўсган. Тўрт-беш ой ўтмай, камалади-кетди.
— Нимасин айтасиз, мулла Асомиддин, — салмокланди Ёқуб домла. —



АСОМ ҒАДАНГ ЖЎРСИДИ

— Яхши, Алимжон ака, — деди Ғаданг пиёланга Салим парвонага узатар экан. — Балли, ўғилларингизга. Ҳозир шундайлар, яъни меҳнатга бўйин эгиб, бирни икки қилаётганлар даври.

Баъзи ёшларда кўнм йўк, меҳнатда унум йўк. Кўча тентирагани тентираган. Уч набирам бор, учови куйдирапти шу кунларда. Сабаби, тирикчилик дегандек, отаси Тошкандда. Келин ҳам ўша томонларга танда қўйиб қолган. У-бу келтириб сотади. Буёқда, биласиз, не-не умидлар билан барпо этган боғим қаровис.

лашгач, ўғил бир кечада қорасини кўрсатмай кетади.

Набиралар ҳам бувага сўз бермайди, бўйин эгмайди. Бири кулоғига қоп-қора тугмачани тикиб олиб, юргани-юрган бошини сарак-сарак қилиб. Мусиқани яхши кўра-миш. Яхши мусиқани ким ҳузур қилиб тингламайди. Бункини кулб ваданг-ваданг, дапир-дуপুর. Ғаданг икки-уч талқир сой бўйи-

да ёввойи нашаларнинг баргини териб юрганини кўриб қолди. Иккинчи набиранинг ўтган ой милласи олиб кетди. Янгийўлдан қорадори олиб келаётган экан, зумраша. Кенжаси баҳор кезлари мактабда синфдошини пичоқлаб қўйганича кетди кесилиб. Домланинг шўрига шўрва тўкилгани шу.

Даврадагилар гоҳ Домлага, гоҳ Ғаданга кўз ташлаганларича, ўтириб қолишди.
— Мундоқ қарасам, маҳалламизда беш-ўнта шунақалар пайдо бўлган, — ўртага тушган хижилликни бузди Ғаданг. — Али ҳам, Вали ҳам болаларини йўлга сола олмай гаранг.

— Нимага шундай бўляпти? — гапга қўшилди Азим чаққон. — Ахир, Асом ака, ўша Али ҳам умр бўйи далада қўлидан қадоқ аримай ўтди. Валичи, Вали? Биласиз ҳам-мангиз, қандоқ сувчи эди. Ойдин кечалари овозини баралла қўйиб, қўшиқ айтиб, ғўза суғорарди. Болалари бўлса, фирт ўғри чиқди. Гап нимада?
— Уйдаям, кўчадаям тарбияга безътибормиз,

Сўнги йилларда «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик ҳиссадорлик жамияти қасаба уюшмаси кўмитасига қарашли «Металлург» клуби спортчилари нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон майдонларида юртимиз нуфузини юқори кўтариб, кучлилар сафида эътироф этиляпти. Бугунги кунда амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар, этиштиб чиқаётган спортчилар ҳамда яратилаётган шарт-шароитлар хусусида клуб раиси ўринбосари Қодир Пулатов куйидагиларни сўзлаб берди:

— Клубимиздаги бокс, футбол, катта ва стол тенниси, кикбоксинг, кураш, волейбол, баскетбол, сузиш ҳамда кўл тўпи тўғараклари шугулланувчилар билан доимо гавжум. Ҳозир 31 нафар мураббий фаолият юритмоқда. 8 та теннис корти, 2 та футбол, 2 та волейбол ва гандбол майдонлари ҳамда қишки спорт мажмуи спортчилар ихтиёрида. Яқинда фойдаланишга топширилган «Пахлавон» бокс аренасида ҳам машгулотлар олиб борилаяпти.

Маълумки, ёзи мавсум бошланиши билан сузиш ҳавзаларига талаб ортади. Шунини инобатга олган ҳолда, катталар ва болалар учун мўлжалланган ҳавзаларда қатий тартибда ўтказиладиган машгулотлардан сўнг умумий соғломлаштириш машқлари олиб борилади. Сув спорти билан шугулланувчилар учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Тажрибали мутахассис Людмила Рейс мураббийлигида улар назарий ва амалий кўникмаларини бойитиб боришмоқда. Шаҳримиз бўйича 4-мактабда баскетбол, эркин кураш, «Коинот» даҳасида шахмат, «Металлург» ётоқхонасида стол тенни-

каров Сеулда бўлиб ўтган халқаро турнирда кучли уликдан жой олишга муваффақ бўлишди. Жанговар ҳисобланган кураш ҳамда универсал жанг каби турлар бўйича Голиб Аҳмедов қайд этаётган юксак натижалар диққатга сазовор.

Комбинат ишчи-хизматчиларининг соғлиқларини мустаҳкамлаш, уларда спортга рағбатни ошириш мақсадида турфа мусобақалар мунтазам ташкил этиляпти. Масалан, аёллар спартакиадаси, «ОКМК биринчилиги», «ОКМК кубоги» каби футбол мусобақалари, «Спартакиада» ўйинлари шулар жумласидандир.

Эътиборли жиҳати шундаки, кўплаб спортчиларимиз республика терма жамоалари аъзолари ҳисобланишади. Ҳозир гандболчиларимиз йилнинг охирида Хитойда ўтказиладиган Осиё ўйинларида тайёргарлик кўришмоқда. Ёш пауэрлифтингчимиз Александр Романенко эса Болгарияда бўладиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати йўлланмасини кўлга киритди.
Бир сўз билан айтганда, спортчиларимиз қайд этаётган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Бундан кейин биздан талаб қилинадигани эришилган муваффақиятлар билан чекланиб қолмай, янада юксак натижалар сари интилишдир.

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири Отабек ЭЛТОВЕВ ёзиб олди.

Бекажон

Помидор қиймасининг сатхи могорлаб қолмасин десангиз, бир оз туз сеппиб, пахта ёғидан томизиб қўйинг.
Агар туздонга бир неча дона гуруч ташлаб қўйсангиз, туз доим қуруқ сақланади.

Сабзавотлар тузли сувда қайнатилса, янада мазали даяверинг.
Бир неча бўлак қанд билан зич идишда сақланган пишлоқ анчагача майин таъминини йўқотмайди.

Туз сеппилган докага ўралган бринза анча вақтгача қуриб қолмайди.
2 соат давомида сунда ушлаб турилган қуруқ пишлоқ аввалгидек маъин ва хушбўйи бўлади.

Рассом ханааси



— Сен мен учун лойиқ рақиб эмассан, ахир мен ҳатто филни ағдараман-ку.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Республикамизда Япониянинг Эн-Эйч-Кей телекомпанияси «Янги Ипак йўли—2007» дастури доирасида ҳужжатли фильмни суратга олишни бошлади.

Ижодкорларнинг фикрича, «Янги Ипак йўли — 2007» фильми йирик «Янги Ипак йўли — Хитой» лойиҳасининг давоми бўлади. Ушбу лойиҳа катта муваффақият қозонгани боис муаллифлар ишни давом эттиришга қарор қилди.
— Киносавоҳат жанридаги кўрсатувимиз Буюк Ипак йўли тарихи ҳақида ҳикоя қилиб, томошабинларни нафақат ўтган йиллар воқеалари, балки жа-

дал ўзгариб бораётган минтақанинг бугунги кунини билан ҳам таништиради, — дейди режиссёр Яё Юити. — Сериалнинг биринчи фильми Шарқ ва Фарб савдо қарвонлари йўлида таянч пункти ҳисобланган Урта Осиё воҳаларига бағишланади. Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси кўплаб жаҳонгирлар кўлга киритишга интилган бегоҳисоб йўллар улқасидир. Бугун ушбу шаҳарлар ноёб меъ-

морий ёдгорликлар, тарихий-маданий кўриқхоналар саналади.

ННК телекомпанияси Япониядан ташқари дунёнинг 30 дан ортиқ давлатида ўз кўрсатувларини намойиш этади. Бу компания ўзбекистонликларга «Ошин» сериали орқали яхши таниш.
Телекомпания ижодий гуруҳи Андижонда 15 сентябрда бўлади. Кейин суратга олиш ишлари Шахрисабз, Самарқанд, Бухоро ва Тошкентда давом эттирилади.
С. ШУКУРОВ,
ЎЗА муҳбири.

Ҳаёт сабоқлари

БУҚАЛАМУН

Келинлик уйидан анча олисларда ашаётган аёлга қайнонасининг вафот этганлиги ҳақида хабар қилишди. Эрининг садорасини сақлаб, неча йиллардан бери улар билан алоқасини узмай келаётган келин қутилмаган бу мусибатдан довдираб қолди. У ўзи ишлаётган институт раҳбарининг олдига кириб, ундан вилоятга бориб келиш учун ружсат сўради. Қачонлардир ўлиб кетган эрининг онаси учун бунчалик интизаб йиғлаётган ходимасига ҳайрон қолган директор: «Шошилмасдан, сиқилмасдан, бемалол қайнонангизни йиғирмасини ўтказиб келавинг», деди меҳрибонлик билан.
Бир ҳафта маърақада ўтирган собиқ келин вақтлик йўлга чиқди. Эртасига унинг келганини эшитиб, кўнгли сўраб кирган ҳамкасблари мажлисда директор унинг анча ушланиб қолгани ҳақида гапирганини айтишди. У ажабланди.

Директорнинг олдига кириб, айтган пайтидан вақтлик қолганини тушунирмоқчи бўлган эди, раҳбар бу гапни кўпчиликнинг олдига шунчаки сиё-

У ҳали жуда ёш эди. Ўн тўрт-ўн бешининг нари-берисидеда турган беғубор бир қизнинг қалб дунёси хали кўп ҳақиқатларни шарҳлашга ожизлик қиларди.

Кўнгли — шиша

У ҳали жуда ёш эди. Ўн тўрт-ўн бешининг нари-берисидеда турган беғубор бир қизнинг қалб дунёси хали кўп ҳақиқатларни шарҳлашга ожизлик қиларди.
Бир кун уларнинг уйларида маърақа қилинди. Дастурхонга қўйилган нарсаларни ташиб юрган кўшнни йигит — сифдоши қўлидаги пичоқни ўқталиб ҳазиллашди. Бунинг кўриб қолган қизнинг онаси «пичоқ билан ўйнашиб бўладими», деб аввал йигитни уришиб берди.
Йигит хонадан чиқиб кетганидан сўнг эса, у қизига қараб: «Сен ҳали қараб тургин, йигитлар билан ўйнашиб юрганинги бир адангга айтиб

бермасам», деди-да, унинг юзига тарсаки туширди.
Бутун ўй ва фикри китоба мук тушиб, ўқидан бошқа нарсани билмаган қиз учун гўё осмон узлиб ерга тушди. Орият кучли бўлган қиз бир ҳафта томоғидан сув ўтмасдан ер бағирлаб ётди ва шу кундан эътиборан унинг юрагида ўзи ҳам тушунмаган аччиқ бир алам ўрнашиб қолди.
Ҳар бир киши гарчи энг яқин одамига бўлса ҳам озгидан чиқаётган гапни яхшилаб ўйлаб, сўнг гапирши керак экан. «Кўнгли ўзи бир шиша, синса асло тузалмас», деб бежизга айтишмасан.
Гулсара УБАЙДУЛЛО

Шунақ кейин

ҲАММА ГАП ЁНФОҚДА

Бўлажак фарзанднинг соғлом ва бақувват бўлиши кўп жиҳатдан ҳомиладор аёлнинг нималар истеъмол қилаётганига боғлиқ, дейишмоқда олимлар.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳомиладорлик даврида ўсимлик мейв, ёнғоқлар ва Е витамини мўл бўлган бошқа маҳсулотлар тановул қилган аёлдан туғилган гўдак вужудига бронхитал астма хасталиги ривожли хавфи даярли бўлмас экан.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Тошкент вилояти ҳудудида қатновчи шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўловчи ташиш йўналишлари билан боғлиқ 22, 25 август кунлари қолдирилган очик тендер шу йилнинг 22 сентябрь кунини соат 15.00 га қўчирилди.
Тендер Тошкент вилоят ҳокимлиги, кичик мажлислар залида бўлиб ўтади.
Маълумот учун телефонлар:
118-79-67,
136-77-42.



16-ҳаво

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 9 сентябрь кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсди. Кечаси 14-16, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.
Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан эсаётган шамол йўналишини ўзгариб, фардан секундига 7-12 метр тезликда эсди. Айрим жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 12-17, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти табиати муҳофазат қилиш кўмитаси жамоаси кўмита раиси вазифасини бажарувчи Ғайбулла Жўраевга рафиқаси Захро Жўраеванинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

TOШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТОШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.
Манзиллимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридagi Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.